

## **VII. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ** *(фермер ва дөхқон хўжаликларисиз)*

### **Рўйхатдан ўтган юридик шахслар**

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига 16031 та корхоналар ва ташкилотлар рўйхатдан ўтган бўлиб, иқтисодий фаолият турлари бўйича 20,5 % савдо, 11,5 % саноат, 10,8 % қурилиш, 12,4 % қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 5,8 % яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 4,8 % ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларда 1,9 % дан ва 30,4 % бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

2018 йил январь-декабрда жами 2636 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 2177 та). Уларнинг асосий қисми Нукус шаҳрида (республика бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 32,6 фоизи), Тўрткўл (8,0 фоиз), Амударё (7,1 фоиз), Беруний (6,2 фоиз), Қўнғирот (6,0 фоиз), Элликқалъа (5,6 фоиз) ва Нукус (5,4 фоиз) туманларига тўғри келди.

#### **2019 йилнинг 1 январь ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони**

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	якунга нисбатан фоизда	бирлик	якунга нисбатан фоизда
Жами	16031	100,0	15590	100,0

шу жумладан:


Қишлоқ, ўрмонвабалиқ хўжалиги	1980	12,4	1902	12,2
Саноат	1846	11,5	1796	11,5
Қурилиш	1740	10,9	1709	10,9
Савдо	3283	20,5	3180	20,4
ташиш ва сақлаш	775	4,8	749	4,8
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	933	5,8	905	5,8
ахборот ва алоқа	309	1,9	293	1,9
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	297	1,8	292	1,9
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	4868	30,4	4764	30,6

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 16031 тани ташкил қилиб, шундан 15590 таси ёки 97,2 фоизи фаолият кўрсатмоқда.


Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 3283 та (20,5 фоизи), кишлок, ўрмон ва балиқ хўжалиги 1980 та (12,4 фоиз), саноат 1846 та (11,5 фоизи) ва қурилиш 1740 та (10,9 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2019 йил 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган тижорат ташкилотларининг сони 12449 тани ташкил этди. Рўйхатга олинган тижорат корхоналарнинг умумий сонидан 8462 таси масъулияти чекланган жамиятлар, 2968 таси хусусий корхоналар, 679 таси оиласиий корхоналар ва 29 таси акциядорлик жамиятлари хиссасига тўғри келди.

### **Рўйхатга олинган тижорат корхоналари-юридик шахслар ташкилий ҳуқуқий шакллари (1 январь ҳолатига, умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида)**




### **Рўйхатга олинган, янгидан ташкил этилган ва тутатилган кичик корхона ва микрофирмалар (1 январь ҳолатига, фермер ва деҳқон хўжаликларисиз, бирлик)**



Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотлари бўйича, 2019 йил 1 январь ҳолатига 12364 та кичик корхона ва микрофирмалар – юридик шахслар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) рўйхатга олинган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 11,6 фоизга ошган. Шунингдек, 2018 йил январь-декабрь ойларида жами 2177 та субъект янгидан ташкил топган хамда 902 та субъект тугатилган ушбу кўрсаткичлар ўтган йилга нисбатан мос равища 132,1 ва 96,3 фоизни ташкил этди.


**Рўйхатга олинган, янгидан ташкил этилган ва тугатилган чет эл инвестицияси иштироқидаги корхоналар сони,  
(1 январь ҳолатига, бирлик)**



**2019 йил 1 январь ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича  
корхоналар ва ташкилотлар сони,  
(дехқон ва фермер хўжаликларисиз, бирлик)**

	<i>Rўйхатдан ўтган</i>	<i>Фаолият кўрсатаётган</i>	<i>Янги ташкил этилган</i>
<b>Жами</b>	<b>16031</b>	<b>15590</b>	<b>2636</b>
Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1980	1902	348
Саноат	1846	1796	501
Курилиш	1740	1709	420
Савдо	3283	3180	450
Ташиб ва сақлаш	775	749	85
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	933	905	145
Ахборот ва алоқа	309	293	23
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	297	292	53
Бошқа турлари	4868	4764	611

**2019 йил 1 январь ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича  
корхона ва ташкилотлар сони,  
(фермер ва дехқон хўжаликларисиз, бирлик)**



Худудлар бўйича рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар сони бўйича энг кўпи Нукус шахри (5138 та), Тўрткўл (1615 та), Беруний (1331 та), Амударё (1179 та) ва элликқала (1010 та) туманлари хиссасига тўғри келади. Аксинча Мўйноқ (285 та), Тахтакўпир (303 та) ҳамда Шуманай (385 та) туманларида корхоналар сони камлигини кузатиш мумкин.


### **Фаолият кўрсатаётган юридик шахслар**

Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони 15590 тани ташил этиб, ўтган йилнинг шу даврига солиштирилганда 1848 та (13,4 %) га ўсган.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича жами фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан 20,4 % савдо, 11,5 % саноат, 11,0 % қурилиш, 12,2 % қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 5,8 % яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 4,8 % ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда 1,9 % дан ва 30,5% бошқа фаолият турлари хиссасига тўғри келади.


### **Иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган юридик шахслар**

*(фермер ва дэҳқон хўжаликларисиз, фоиз ҳисобида)*



Худудлар кесимида қаралганда, фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар сони энг кўпи Нукус шахри (5028 та), Тўрткўл (1505 та), Беруний (1297 та), Амударё (1149 та) ва элликқала (1004 та) туманлари хиссасига тўғри келади. Аксинча Мўйноқ (279 та), Тахтакўпир (293 та) ҳамда Шуманай (377 та) туманларида корхоналар сони камлигини кузатиш мумкин.


**Худудлар кесимида фаолият юритаётган корхона  
ва ташкилотлар сони, бирликда**  
*(фермер ва дөхөн хўжаликларисиз, бирлик)*



**Янги ташкил этилган юридик шахслар**

2018 йил январ-декабр ойларида 2636 та корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилган бўлиб, бу кўрсаткич 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 46,5 % га кўпдир. Энг кўп янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар Нукус шаҳри (859 та), Тўрткўл (212 та), Амударё (188 та) ва Беруний (163 та) тунанлари хиссасига тўгри келади. Аксинча Тахтакўпир (49 та), Кегейли (65 та) ҳамда Конликўл ( 67 та) туманларида корхона ва ташкилотларни ташкил этиш кўрсаткичи паст даражани акс эттирган.

**Шаҳар ва туманлар бўйича янги ташкил этилган корхона  
ва ташкилотларнинг сони,  
(фермер ва дехқон хўжаликларисиз, бирлик)**




Иқтисодий фаолият турлари кесимида, энг кўпи савдо (450 та), саноат (501 та), қурилиш (420 та) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (348 та) соҳаларида ташкил этилган. Энг ками эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар (53 та), ахборот ва алоқа (23 та) ҳамда ташиш ва сақлаш (85 та) фаолият турлари ҳиссасига тўғри келган.

**Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий  
фаолият турлари бўйича йиллар кесимидағи сони,  
(1 январь ҳолатига, фермер ва дебқон хўжаликларисиз, бирлик)**

	2017 йил		2018 йил		2019 йил	
	корхона сони	улуши, %	корхона сони	улуши, %	корхона сони	улуши, %
<b>Республика бўйича жами</b>	<b>1357</b>	<b>100,0</b>	<b>1799</b>	<b>100,0</b>	<b>2636</b>	<b>100,0</b>
Савдо	302	22,3	308	17,1	450	17,1
Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	249	18,3	390	21,7	348	13,2
Курилиш	185	13,6	193	10,7	420	15,9
Саноат	164	12,1	371	20,6	501	19,0
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	151	11,1	132	7,3	145	5,5
Ташиб ва саклаш	99	7,3	64	3,6	85	3,2
Ахборот ва алоқа	56	4,1	39	2,2	23	0,9
Соғлиқни саклаш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш	24	1,8	47	2,6	53	2,0
Бошқа турлари	127	9,4	255	14,2	611	23,2

**Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий  
фаолият турлари кесимидағи сони,  
(фермер ва дебқон хўжаликларисиз, бирлик)**




2019 йил 1 январь ҳолатига фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 121 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 45 тага ёки 59,2 % га ўсган. Ушбу корханаларнинг асосий қисми Хитой Халқ Республикаси, Россия Федератсиаси, Қозоғистон Республикаси ва Жанубий Корея Республикаси ҳиссаларига тўғри келади.

#### **Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг ҳамкор давлатлар кесимида сони, бирликда**



Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналардан 74 таси қўшма корхоналар, 47 таси эса хорижий корхоналар ҳисобига тўғри келади.

#### **Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар таркибида қўшма корхоналар ва хорижий корхоналар сони, бирликда**



Ҳудудлар кесимида, хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Нукус шаҳар (22 та ёки жамидаги улуши 18,2 %), Мўйноқ тумани (17 та ёки 14,1 %) ва Тахиатош тумани (11 та ёки 9,1 %) ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам хорижий капитал иштирокидаги корхоналар Элликқалъа тумани (4 та ёки 3,3 %), Хўжали тумани (3 та ёки 2,5 %), Шуманай (2та ёки 1,7 %) ва Тўрткўл (1 та ёки 0,8 %) ҳиссаларига тўғри келади.

Бу эса мазкур ҳудудларда хорижий ҳамкорлар билан ишлашни, инвеститсиялар жалб этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни янада ривожлантиришни талаб этади.

Агар фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари кесимида кўрсак, энг кўп саноатда 59 та (48,8 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 33 та (29,3%) ҳамда савдода 16 та (13,2 %) ташкил қилган. Энг камлари эса қурилишда ҳамда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 3 тадан (2,5 %), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда 2 та (1,7 %), ташиб ва сақлашда 1 тани (0,8 %), ташкил қилган.

Кўриниб турибдики фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги фаолият турига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуш эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда ташиб ва сақлаш фаолият турларига тўғри келади.

### **Иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони, бирлиқда**




## **Янги ташкил этилган хорижий капитал иштироқидаги корхоналар.**

2018 йилнинг январ-декабр ойида хорижий капитал иштироқидаги янги ташкил этилган корхоналарнинг сони 36 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 22 тага кўпайган.

Бунда, Хитой Халқ Республикаси - 11 та, Қозогистон Республикаси – 9 та ва Покистон Республикаси – 4 та хорижий капитал иштироқидаги корхоналар янгидан рўйхатдан ўтган.

### **Янги ташкил этилган хорижий капитал иштироқидаги корхоналарнинг ҳамкор давлатлар кесимида улуши, жамига нисбатан фоиз ҳисобида**



Янги ташкил этилган хорижий капитал иштироқидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрадиган бўлсак, асосан қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (15 та), саноат (14 та), савдо ҳамда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда (2 тадан) ҳиссасига тўғри келади.

**Январь-декабрь ҳолатига янги ташкил этилган хорижий капитал  
иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият  
турлари бўйича сони, ўсиш динамикаси**

	2017 йил		2018 йил	
	жами	умумий сонига нисбатан, %	жами	умумий сонига нисбатан, %
<b>Республика бўйича</b>	<b>13</b>	<b>100,0</b>	<b>35</b>	<b>100,0</b>
Кишлоқ ўрмон ва балиқ хўжалиги	4	28,6	15	41,7
Саноат	8	57,1	14	38,9
Савдо	-	-	2	5,6
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	-	-	2	5,6
Соғлиқъни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	-	-	1	2,8
Ташиб ва сақлаш	-	-	1	2,7
Бошқа турлар	1	7,1	-	-


**Кичик корхона ва микрофирмалар сони.**

2019 йил 1 январь ҳолатига фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони 11985 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2018 йил 1 январь ҳолатига қараганда 13,7 % га ошган. Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми, яни 4175 таси (34,8 %) Нукус шахри, 1259 таси (10,5 %) Тўрткўл, 1021 таси (8,5 %) Беруний ҳамда 756 таси (6,3 %) элликқала туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган жами 11985 та кичик корхона ва микрофирмаларнинг 3162 таси (26,4 %) – савдо, 1850 таси (15,4 %) - қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 1767 таси (14,7 %) - саноат, 1701 таси (14,2 %) - қурилиш, 900 таси (7,5 %) - яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳаси, 744 таси (6,2 %) - ташиб ва сақлаш, 255 таси (2,1 %) - ахборот ва алоқа соҳаси, 212 таси (1,8 %) - соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, шунингдек 1394 таси (11,7 %) - бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади.

Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми савдо ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги фаолият турларига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ҳамда ахборот ва алоқа соҳаси фаолият турларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши,  
жамига нисбатан фоиз ҳисобида**



2018 йил январь-декабрь ойларида 2177 та кичик корхона ва микрофирмалар янги ташкил этилган. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қараганда 32,1 % га кўпроқдир. Энг кўп янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар Нукус шахри (752 та), Тўрткўл (191 та), Амударё (155 та), Беруний ва Кўнғирот туманларида (126 тадан) хиссасига тўгри келади. Энг кам Тахтакўпир (32 та), Қонликўл (44 та) ҳамда Шуманай (55 та) туманларида ташкил этилган.


Иқтисодий фаолият турлари кесимида эса энг кўпи савдода (450 та), саноатда (501 та), қурилишда (420 та) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига (345 та) ташкил этилган. Энг кам эса ташиб ва саклашда (84 та), соғлиқни саклаш ва ижтимоий хизматларда (52 та), ахборот ва алоқада (23 та) ҳамда ташкил этилган.

## Оилавий корхоналар сони

Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони - 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига 679 тани ташкил этиб, улардан 663 таси ёки 97,6 % фаолият юритади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда давлат рўйхатидан ўтганларнинг ҳамда фаолият кўрсатаётганларнинг умумий сони ўртacha 31,1 % га ошганлигини таъкидлаш лозим.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида қаралганда уларнинг 29,0 % ёки 192 таси яшаш ва овқатланиш хизматлари, 28,2 % ёки 187 таси саноат, 21,0 % ёки 139 таси савдо, 8,1 % ёки 54 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 2,3 % ёки 15 таси соғликни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 1,5 % ёки 10 таси ахборот ва алоқа, 0,6 % ёки 4 таси қурилиш, 0,3 % ёки 2 таси ташиш ва сақлаш ҳамда 9,0 % ёки 60 таси бошқа фаолият турлари хиссасига тўғри келмоқда.

### Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, *жамига нисбатан фоиз ҳисобида*



Иқтисодий фаолият турлари кесимида кўрсак, энг кўпи яшаш ва овқатланиш ҳамда саноатта, энг ками эса қурилиш, ташиш ва сақлаш каби фаолият турлари хиссасига тўғри келади.

## Тугатилган корхона ва ташкилотлар

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида жами 996 та корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини тугатган. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан -165 тага тугатиш камайган

Тугатилган 996 та корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича олиб қарайдиган бўлсак, 243 таси (24,4 %) савдо, 133 таси (13,4 %) қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, 120 таси (12,0 %) қурилиш, 107 таси (10,7 %) саноат, 89 таси (8,9 %) ташиш ва сақлашда, 77 таси (7,7 %) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 36 таси (3,6 %) ахборот ва алоқада, 32 таси (3,2 %) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда 159 таси (16,1 %) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики, тугатилган корхоналарнинг асосий қисми савдо ва қишлоқ ва ўрмон хўжалиги фаолият турига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса ахборот ва алоқа ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар фаолият турларига тўғри келган.

### 1 январь ҳолатига фаолияти тугатилган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши (фермер ва дэҳқон хўжаликларисиз, бирлик)

	2018 йил		2019 йил		Фарқи, (+;-)
	сони	жамига нисбатан, %	сони	жамига нисбатан, %	
<b>Республика бўйича</b>	<b>1161</b>	<b>100,0</b>	<b>996</b>	<b>100,0</b>	<b>-165</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	109	9,4	133	13,4	24
Саноат	98	8,4	107	10,7	9
Курилиш	143	12,3	120	12,0	-23
Савдо	266	22,9	243	24,4	-23
Ташиш ва сақлаш	78	6,7	89	8,9	11
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	94	8,1	77	7,7	-17
Ахборот ва алоқа	39	3,4	36	3,6	-3
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиши	177	15,2	32	3,2	-145
Бошқа фаолият турлари	157	13,6	159	16,1	2

2018 йил январь-декабрь ойларида 902 та кичик тадбиркорлик субъектлари тугатилган. Тугатилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми 238 таси (26,4%) савдо, 132 таси (14,6 %) қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, 119 таси (13,2 %) қурилишда, 107 таси (11,9 %) саноат, 89 таси (9,9 %) ташиш ва сақлашда, 76 таси (8,4 %) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 35 таси (3,9 %) ахборот ва алоқада, 6 таси (0,7 %) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда 100 таси (11,0 %) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келган.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш натижасида худудларда ҳам тугатилган кичик корхона ва микрофирмалар сони йилдан йилга камайиб бормоқда.

Ушбу йўналишда асосан Беруний туманида- 38 тага, Кегаили – 33 тага, Чимбой – 25 тага, Амударё – 13 тага кичик корхона ва микрофирмалар ўтган йилга нисбатан кам тугатилганлигини статистик рақамларда кўришимиз мумкин.

**Корхона ва ташкилотлар сони  
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз, бирлик)**

	<i>2019 йил 1 январига рўйхатга олинган</i>	2018 йил январь-декабрида	
		<i>ташкил топди</i>	<i>тугатилди</i>
<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>	<b>16031</b>	<b>2636</b>	<b>996</b>
Нукус ш.	5138	859	375
<i>туманлар:</i>			
Амударё	1179	188	26
Беруний	1331	163	52
Қонликўл	405	67	35
Қораўзак	466	85	38
Кегейли	474	65	30
Қўнғирот	903	158	76
Мўйноқ	285	92	28
Нукус	681	143	23
Тахиатош	469	119	18
Тахтакўпир	303	49	18
Тўрткўл	1615	212	90
Хўжайли	787	125	69
Чимбой	600	88	48
Шуманай	385	75	23
Элликқалъа	1010	148	47

**Рўйхатга олинган юридик шахсларни  
ташкилий хуқуқий шакллари бўйича тақсимлаш**  
(2019 йил 1 январь ҳолатига, фермер ва дебонк хўжаликларисиз)

	Жами, бирлик	Умумий сонга нисбатан фоиз ҳисобида		
		нотижорат	тижорот	шундан хусусий
<b>Қорақалпогистон Республикаси</b>	<b>16031</b>	<b>22,3</b>	<b>77,7</b>	<b>18,5</b>
Нукус ш.	5138	16,6	83,4	16,0
<i>туманлар:</i>				
Амударё	1179	25,4	74,6	12,5
Беруний	1331	20,5	79,5	31,1
Қонликўл	405	32,0	68,0	29,1
<b>Қораўзак</b>	<b>466</b>	<b>27,7</b>	<b>72,3</b>	<b>11,6</b>
Кегейли	474	35,4	64,6	12,9
<b>Қўнғирот</b>	<b>903</b>	<b>26,4</b>	<b>73,6</b>	<b>28,8</b>
Мўйноқ	285	32,6	67,4	11,2
<b>Нукус</b>	<b>681</b>	<b>21,0</b>	<b>79,0</b>	<b>11,7</b>
Тахиатош	469	26,9	73,1	24,3
<b>Тахтакўпир</b>	<b>303</b>	<b>39,6</b>	<b>60,4</b>	<b>14,5</b>
Тўрткўл	1615	15,2	84,8	16,2
<b>Хўжайли</b>	<b>787</b>	<b>24,3</b>	<b>75,7</b>	<b>22,2</b>
Чимбой	600	32,8	67,2	16,0
<b>Шуманай</b>	<b>385</b>	<b>33,0</b>	<b>67,0</b>	<b>32,7</b>
Элликқалъа	1010	24,3	75,7	30,0

**Кичик корхоналар ва микрофирмалар (бизнес) сони**  
*(фермер ва дөхөн хўжаликларисиз, бирлик)*

	2019 йил 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган	2018 йил январь-декабрида	
		ташикли топди	тугатилди
<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>	<b>12364</b>	<b>2177</b>	<b>902</b>
Нукус ш.	4248	752	339
<i>туманлар:</i>			
Амударё	874	155	24
Беруний	1054	126	50
Қонликўл	272	44	34
<b>Қораўзак</b>	<b>337</b>	<b>68</b>	<b>38</b>
Кегейли	303	50	26
<b>Қўнғирот</b>	<b>658</b>	<b>126</b>	<b>76</b>
Мўйноқ	191	73	26
<b>Нукус</b>	<b>538</b>	<b>121</b>	<b>18</b>
Тахиатош	338	95	15
<b>Тахтакўпир</b>	<b>179</b>	<b>32</b>	<b>16</b>
Тўрткўл	1362	191	61
<b>Хўжайли</b>	<b>591</b>	<b>104</b>	<b>67</b>
Чимбой	399	70	46
<b>Шуманай</b>	<b>258</b>	<b>55</b>	<b>22</b>
Элликқалъя	762	115	44

**Чет эл инвестицияси киритилган  
корхоналар сони**  
(2019 йил 1 январь ҳолатига, бирлик)

	Жами рўйхатга олинганлари	шу жумладан: фаолият кўрсатаётганлари	Фаолият кўрсатаётганлар жамига нисбатан, фоиз ҳисобида
<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>	<b>121</b>	<b>121</b>	<b>100,0</b>
Нукус ш.	22	22	100,0
<b>туманлар:</b>			
Амударё	5	5	100,0
Беруний	5	5	100,0
Қонликўл	6	6	100,0
Қораўзак	7	7	100,0
Кегейли	9	9	100,0
Қўнғирот	8	8	100,0
Мўйиноқ	17	17	100,0
Нукус	9	9	100,0
Тахиатош	11	11	100,0
Тахтакўпир	6	6	100,0
Тўрткўл	1	1	100,0
Хўжайли	3	3	100,0
Чимбой	6	6	100,0
Шуманай	2	2	100,0
Элликқалъа	4	4	100,0

2019 йил 1 январь ҳолатига республика бўйича 121 та чет эл инвестициялари киритилган корхоналар рўйхатга олинган бўлиб, рўйхатга олинган корхоналарнинг барчasi фаолият юритяпти.

**Чет эл инвестицияси киритилган корхоналар сони(бирлик)**

	Рўйхатга олинганлар	2018йил январь-декабрида	
		Ташкил этилган <sup>1)</sup>	Тугатилган
<b>Қарақалпогистон Республикаси</b>	<b>121</b>	<b>36</b>	<b>6</b>
Нукус ш.	22	5	-
<i>туманлар:</i>			
Амударё	5	1	-
<b>Беруний</b>	<b>5</b>	<b>-</b>	<b>-</b>
Қоңлиқўл	6	3	-
<b>Қораўзак</b>	<b>7</b>	<b>-</b>	<b>-</b>
Кегейли	9	1	-
<b>Қўнғирот</b>	<b>8</b>	<b>2</b>	<b>2</b>
Мўйноқ	17	8	-
<b>Нукус</b>	<b>9</b>	<b>3</b>	<b>1</b>
Тахиатош	11	5	1
<b>Тахтакўпир</b>	<b>6</b>	<b>1</b>	<b>1</b>
Тўрткўл	1	-	1
<b>Хўжайли</b>	<b>3</b>	<b>1</b>	<b>-</b>
Чимбой	6	2	-
<b>Шуманай</b>	<b>2</b>	<b>1</b>	<b>-</b>
Элликқалъа	4	3	-

<sup>1)</sup> қайта ташкил этилганлар билан